



2019 yil « 23 » март 107 – Қ - sonli

Samarqand sh.

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги “INTER SAM STAR” кўшма корхонасига инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар белгилаган ҳолда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва сублимация қилиш корхонаси қурилиши учун ер участкасини ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 октябрдаги “Давлат мулки объектларини ва ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни тадбиркорлик субъектларига сотиш тартибини соддалаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5552-сонли Фармони ва халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг 2019 йил 8 февралдаги 342/61-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг 2019 йил 8 февралдаги 342/61-сонли қарори ҳамда вилоят ҳудудий танлов комиссиясининг 2019 йил 20 февралдаги 04-01/20-сонли йиғилиш баёни маълумот учун қабул қилинсин.

2. Масъулияти чекланган жамият шаклидаги “INTER SAM STAR” кўшма корхонасига қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва сублимация қилиш корхонаси қурилиши учун Пастдарғом тумани туман ҳокимлиги захирасидаги Пастдарғом тумани, “Дўстлик” массиви ҳудудидининг 532-контуридаги 68 балли 3,5 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ер участкаси куйидаги инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятларни белгилаган ҳолда, доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратиб берилсин:

қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва сублимация қилиш корхонаси қурилиши учун 33,6 млрд. сўм ҳамда 4,0 млн. АҚШ доллари миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвестиция киритиш;

2019 йил 1 сентябрга қадар инвестиция лойиҳасини амалга ошириш;
60 та янги иш ўринларини яратиш;

ажратилган ер майдони ва туташ ҳудудларида ободонлаштириш ишларини олиб бориш.

3. Вилоят инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси (Ф.Мажидов) масъулияти чекланган жамият шаклидаги “INTER SAM STAR” кўшма корхонаси томонидан инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятларни белгиланган муддатларда бажарилиши юзасидан мониторинг юритилишини, инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар бажарилиши юзасидан тегишли маълумотларни ҳар чорак якуни бўйича Самарқанд вилоят ҳудудий танлов комиссияси муҳокамасига киритиб борилишини таъминласин.

4. Масъулияти чекланган жамият шаклидаги “INTER SAM STAR” кўшма корхонасига ажратилаётган 3,5 гектар ер майдонини қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги нобутгарчилигини ўрнини қоплаш учун вилоят Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасининг махсус ҳисоб рақамига 338776435 (уч юз ўттиз саккиз миллион етти юз етмиш олти минг беш юз йигирма саккиз) сўм миқдорида пул ўтказиш юклатилсин.

5. Пастдарғом тумани ҳокимлиги (Ш.Худайбердиев), Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (С.Ҳақимов):

масъулияти чекланган жамият шаклидаги “INTER SAM STAR” кўшма корхонасига ушбу қарорнинг 2-бандида кўрсатиб ўтилган ер участкасини ажратиб бериш бўйича ҳужжатлар расмийлаштирилишини қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилишини таъминлаш;

қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги нобутгарчилиги ўрнини қоплаш учун ҳисобланган тўловлар белгиланган тартибда амалга оширилишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 36-моддасига асосан, ер участкасидан белгиланган муддатларда фойдаланмаган тақдирда ер участкасига бўлган ҳуқуқ бекор қилиниши юзасидан тушунтириш ишларини олиб бориш топширилсин.

6. Мазкур қарор ижросини таъминлаш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари А.Нуркулов ва О.Ходжаев зиммаларига юклатилсин.

Вилоят ҳокими



Э.Турдимов